

Сийрат тараннуми ва китоб тақдимоти



19:10 / 12.10.2022 1853

Бугун, 12 октябрь куни соат 10:00 да Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таваллуд топган Рабиъул аввал ойи муносабати билан Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Набий алайҳиссалом сийратларига бағишланган маърифий тадбир ва муфтий Нуриддин домла ҳазратларининг «Тасаддуқ, ё Расулulloҳ!» номли янги китоблари тақдимоти бўлиб ўтди.

Маълумки, ҳар бир мўмин-мусулмон киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларини, хулқларини, суннатларини мунтазам равишда ўрганиб бориши керак. Зеро, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари ва ҳусни хулқлари биз мўмин-мусулмонлар учун энг гўзал намунадир.

Севиқли Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сийратларини, суннатларини, гўзал хулқларини ўрганиш, тараннум этиш Рабиъул аввал ойида янада авж олади.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг жамоат ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Комилов, Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров, диний идора раҳбар ва ходимлари, Ҳадис илми мактаби мударриси, Ал-Азҳар университети ҳанафий шайхи Жамолиддин Ҳошим ҳамда талабалар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Маросим ананага кўра Қуръони Карим тиловати ва хайрли дуолар билан бошланди. Дастлаб "Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ" китобининг мазмун-моҳиятига бағишланган видеолавҳа намойиш этилди. Сўнгра президент маслаҳатчиси Музаффар Комилов сўзга чиқиб, муфтий ҳазратлари ва аҳли илмларни янги китоб нашр этилгани билан муборакбод этиб, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари тоғрисидаги китоб мўмин мусулмон халқимизга, хусусан диний соҳа вакилларига муносиб тухфа бўлгани, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига оид мазкур асар тақдимоти Рабиъул аввал ойида ташкил этилгани айни муддао эканини алоҳида таъкидлади.

Тақдимотда Диний идора раиси биринчи ўринбосари Ҳомиджон домла Ишматбеков ҳам китоб ҳақидаги айрим мулоҳазаларни билдириб, ушбу асарни халқимизга етиб бориши учун кўпроқ нашр қилиш аҳамиятли экани ҳақида сўз юритди.

Муҳатарам устоз Муҳаммад Айюбхон домла Ҳомидов Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сийратларига оид мазкур китобни мутолаа қилган ўқувчи ўзини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам даврларига тушгандек ҳис қилиши, воқеалар кетма-кетлигига берилиб, китобни бир нафасда ўқиб чиқишини баён қилиб, китоб охиридаги муаллифнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломга бўлган изҳорини ўқиб берди.

Тадбир давомида Мисрнинг «Ал Азҳар» университети ҳанафий шайхи, Самарқанддаги ҳадис мактаби устози Жамолиддин Ҳошим Маҳмуд сўзга чиқиб мўмин мусулмонларнинг кутубхонаси Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларига оид яна бир китоб билан бойигани, миллионлаб ўзбек забон инсонларга етиб бориши ва уларнинг илм олишида муҳим манба бўлиб хизмат қилишини, бу китоб дунё ва охирада мақбул китоблардан бўлишига умид қилинишини баён этди.

Шунингдек, тақдимотда Мадина шаҳридаги ватандошимиз Шайх Абу Ёсирнинг тақдимот иштирокчиларига видеомурожаати намойиш этилди.

Унда Шайх Абу Ёсир Муфтий Нуриддин домла ҳазратлари масъулиятли вазифада бўлишларига қарамай "Тасаддуқ, ё Расулуллоҳ" китобини таълиф этганлари таҳсинга сазоворлиги, бу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари изҳори экани, уларга ҳадя тариқасида юборилган ушбу китобдан Саудиядаги ватандошлар миннатдорлиги, бундай хайрли иш, хушxabарлар бардавом бўлиши учун доим дуода эканликларини билдирган.

Тадбир чоғида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ходимлари ушбу китоб асосида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ҳаётларига оид парчаларни ўқиб беришди.

Шунингдек, Тошкент ислом институтининг иқтидорли талабалари орасида "Сийрат билимдони" мусобақаси ташкил этилиб, унда талабалар Расулulloҳ алайҳиссалом сийратлари бўйича беллашдилар.

Маросим сўнгида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин домла Холиқназаров сўзга чиқиб, пайғамбаримиз Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламнинг сийратларини ўрганиш, уларни фарзандларимизга ўргатиш ҳар биримизнинг бурч ва вазифамиз экани, мазкур талиф этилган китоб халқимиз, хусусан, ёшларни Аллоҳнинг фазли ила Расулимиз алайҳиссаломга янада муҳаббатли ва яқинроқ қилиш йўлидаги камтарона уриниш эканини баён этиб, китоб ҳақида билдирилган фикр-мулоҳазалар учун нотиқларга миннатдорчилик билдирдилар.

Ушбу маросимда Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жоме масжиди имом хатиби Исмоил Муҳаммад Содиқ ҳамда ушбу масжиднинг имом ноиби Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид иштирок этдилар.

Тақдимот якунида тадбир иштирокчиларига муфтий ҳазратнинг "Тасаддуқ, ё Расулulloҳ!" китоби ва бошқа китоблари тақдим этилди.



ISLOM.UZ
ma'rifat maskani



ISLOM.UZ
ma'rifat maskani





ISLON.UZ
ma'rifat maskani





ISLOM.UZ
ma'rifat maskani



ISLOM.UZ
ma'rifat maskani

